Выражения используются к месту по воспоминаниям, они являются откликом на события личной жизни ребенка, позволяет ему выразит отношения к действительности, служат фоном для письменного высказывания, творческих работ, сочинения, викторин и интеллектуальных марафон. Готовность учителя к работе по совершенствованию произносительной культуры школьников есть одна из составляющих его профессиональной компетентности. С их помощью можно ещё более выразительно дать совет и рекомендации. Выразить хвалу, пожелания, боязнь, испуг, насмешку, обиду, тоску, предупреждение, предостережение. Обучение учащихся латинскому языку и культуре древних римлян, учитель помогает им усваивать богатую мудрость латинского языка, культуру древних римлян, развивает личность человека, владеющего языковыми нормами,

способного свободно выражать свои мысли и чувства в устной и письменной форме. Пословицы, поговорки, крылатые выражения позволяют развивать языковую и речевую компетенции учащихся.

Языковая компетенция предполагает освоение учащимся знаний о языке как знаковой системе, общих сведений из области лингвистики, овладение основными нормами классической и поздней латыни, обогащение словарного запаса и грамматического строя письменной речи учащихся. Это способность к успешной коммуникации, основанной на его владения языковыми нормами, на его умение понимать тексты различных жанров. У учащихся должна сформироваться целостная система универсальных знаний, умений, навыков, а также опыт самостоятельной деятельности и личной ответственности, то есть ключевые компетенции, определяющие качество содержания. Однако, ни в коем случае нельзя рассматривать усвоение самого материала единственную цель обучения.

Прежде всего учитель должен осознавать цель работы и поставленных задач, которые состоят в необходимости ознакомлении учащихся с античной цивилизацией Древним Римом, его культурой, религией, бытом, с доступными их пониманию историческими событиями и историческими деятелями, с именами богов и героев, с мифами и легендами, обычаями, традициями, значением имен, толкованием снов, происхождением заимствованных слов в романо-германских языках. Одной из главных задач при обучении латинского языка является формирование лексического запаса. Домашнее чтение является необходимым и обязательным аспектом в изучении латинского языка. С одной стороны, оно выступает источником и средством увеличения лексического запаса устной речи учащихся, помогает им активизировать свой словарь. Кроме того, чтение способствует развитию логического мышления, стимулирует познавательные интересы. Домашнее чтение можно рассматривать как важнейшую содержательную базу для коммуникативной устно-речевой деятельности. В процессе обучения латинскому языку чтение является одним из важнейших источников языковой и социо-культурной информации. Использование дополнительных текстов для чтения позволяет не только превратить процесс изучения иностранного языка в увлекательное занятие, но и помогает учащимся познакомиться с реалиями страны изучаемого языка. Чтение текстов бесспорно ценны: во-первых, потому, что учащиеся соприкасаются с живым (в данном случае с мертвым, но родным) языком другой цивилизации, во-вторых, есть возможность высказать свое мнение и оценить текст, его героев и ситуацию. Таким образом, латинский язык и античная культура в парадигме компетентного подхода в образовании показывает готовность учителя развить пространственное мышление и нравственно воспитать школьника в процессе обучения.

Список литературы

1. Брудный А.А. Понимание как компонент психологии чтения. В кн. Проблемы чтения и формирование человека развитого социалистического общества. М., 1973, стр. 166.
2. Букатов В.М. Технология игры в обучении и развитии//Начальная школа..- 1998.- № 6.
3. Клычникова З.И.. Психологические особенности обучения чтению на

иностранным языке. М. , " Просвещение", 1973., стр. 6.

4.Коваленко Е.И.Учить играя//Начальная школа.- 1998. №10.

5.Л.У.Ходжаева, Х.А.Зохидова, З.З.Рахматуллаева. Латинский язык. "Национальная энциклопедия Узбекистана" Государственная национальная типография, 2005.

6.Методический журнал для учителей немецкого языка."Deutsch kreativ"- ЗАО МСНК"- пресс. 2004. №2, стр.11-15.

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY

Худайберганова Наргиза Куранбаевна

ўқитувчи

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали.

ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ МАСАЛАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2019-12-7>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада халқ педагогикасида соғлом турмуш тарзи масалалари ва уларнинг тарбиявий аҳамияти кенг ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Халқ педагогикаси, соғлом турмуш тарзи, маънавий соғлом шахс, таълим-тарбия, эзгулик, халоллик, одамийлик, яхшилик, дўстлик сахийлик, ростгўйлик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик

Худайберганова Наргиза Куранбаевна

преподаватель

Ургенчского филиала Ташкентской Медицинской Академии.

ПРОБЛЕМЫ ЗДОРОВОГО ОБРАЗА ЖИЗНИ В НАРОДНОЙ ПЕДАГОГИКЕ И ИХ ВОСПИТАТЕЛЬНАЯ ЦЕННОСТЬ

АННОТАЦИЯ

В данной статье раскрывается педагогическая значимость и задачи преподавания здорового образа жизни в народной педагогике

Ключевые слова: Народная педагогика, здоровый образ жизни, духовно- богатый человек, обучение, воспитание, доброта, честность, человечность, дружба, правдивость, трудолюбие

Hudayberganova Nargiza Qurbanbayevna

teacher

Urgench branch of the Tashkent Medical Academy.

PROBLEMS OF A HEALTHY LIFESTYLE IN FOLK PEDAGOGY AND THEIR EDUCATIONAL VALUE

ANNOTATION

In this article, the pedagogical importance of teaching in the folk pedagogy and upbringing matters were widely covered.

Key words: Folk pedagogy, a healthy lifestyle, a spiritually rich person, training, education, kindness, honesty, humanity, friendship, hard - working

Бугун мамлакатимиз кўпгина ривожланган давлатлар билан иқтисодий-сиёсий, маънавий-маданий, таълим ва фан соҳаларида ҳамкорлик, дўстлик алоқаларини тобора мустахкамлаб борар экан, ҳукуратимиз эртанги кун эгалари бўлган ёшларга ҳар қачонгидан-да жиддийроқ ғамхўрлик қила бошлади. Бу ғамхўрлик албатта ёшларни "жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш билан бир қаторда, ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш" орқали тарбиялашга жиддий эътибор билан ёндошиш масаласини ўртага кўндаланг қўяди. Шубҳасиз, янги жамиятни қуриш, энг аввало ёшларга, уларнинг маънавий дунёси, касбий маҳорати ва яхши жисмоний рухий ҳолатига боғлиқ.

Шундай экан энг аввало соғлом турмуш тарзини шакллантириш, турли маиший шарт-шароитларни яратиш, соғлом авлодни тарбиялашнинг моддий асосини белгилаш, яъни давлат томонидан иқтисодий ва молиявий қўллаб-қувватлаш киради. Биринчи президентимиз И.Каримов, "Ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавий қўрғони бўлмиш оилани мустахкамлаш бугунги кунда барчамизнинг наинки асосий вазифамиз, балки инсоний бурчимизга айланишини истардим" , дея таъкидлаган эдилар.

Ёш авлодни тарбиялаш жамиятнинг муҳим, ҳал қилувчи бўғини бўлган, фарзандлар, шахс сифатида шаклланиб, Ватанга муҳаббат, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбияланиб, ўз халқининг муносиб вакиллари бўлиб етишадиган, соғлом ҳамда мустахкам оилани қуриш учун зарур шароитларни яратиш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзитамоийилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, ташқаридан кириб келаётган тубан "оммавий маданият"нинг турлииллатлари хавфи ва зарарли таъсирларидан ҳимоя қилиш комплекс чора -тадбирларини амалга ошириш масаласи ҳали ҳамон тўлиқ ечимини топмаган. Ёшларимизни тўғри ва соғлом яшашга ўргатишни олий мақсадимиз десак ва бу мақсадларга эришишнинг ижтимоий-педагогик жиҳатларини ўрганар эканмиз, бу ўринда бевосита халқ педагогикасига мурожаат қилишимиз ўринлидир.

Халқ педагогикасида соғлом турмуш тарзи, турмуш маданияти масалалари ва уларнинг тарбиявий таъсириёш авлодни соғлом турмуш тарзини тарбиялашда халқ педагогикасининг тарбиявий аҳамияти катта. Жумладан, халқ педагогикаси халқ ижодкорлигининг таркибий қисми бўлиб, ҳар бир халқнинг ўзига хос маданиятини, урф-одатларини ифода этади. Халқ педагогикаси аждодлар меросининг асосан оғзаки тарзда билдирган панд-насиҳатлари, ўғитлари орқали ёш авлодни ҳар томонлама тарбиялаш воситасидир. Халқ педагогикаси ўз манбаларига эга бўлиб, улар халқ оғзаки ижоди, миллий урф-одатлар, анъаналар,

диний таълимотлар, халқ ўйинлари, миллий мусиқа, қўшиқчилик, халқ амалий санъати, ҳунармандчилик, тасвирий санъат, меъморчилик, рақс санъати кабилардан иборат. Халқимизнинг оғзаки ижод намуналари, шарқ мутафаккирларининг бой мероси, халқнинг этник тарихи, маданий ва маиший турмуш тарзи, меҳнат қадриятлари, уларнинг ижтимоий ва оилавий турмушида муҳим ўрин тутди.

Соғлом турмуш тарзи халқнинг урф-одатлари, анъаналари, миллий қадриятлари негизида шаклланади. Шу боис, соғлом турмуш тарзини шакллантиришда халқ педагогикасининг ўрни ва роли беқиёс.

Халқ педагогикаси, миллий қадриятлар, урф-одат ва анъаналар Ўрта Осиё халқларининг миллий ва маданий бойлиги эканлигини унутмаган ҳолда баркамол шахсни тарбиялашда, ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришда улардан ўринли фойдалана олиш лозим. Халқ педагогикасининг асосини халқ оғзаки ижоди ташкил қилади. Халқ оғзаки ижодининг дoston, ривоят, мақол, қўшиқ, маросим фольклори каби жуда кўплаб катта ва кичик жанрлари соғлом турмуш маданиятини шакллантиришда асосий восита ҳисобланади.

Ўзбек халқ мақоллари, нақллари ва донишмандлар ҳикматлари орқали ўсиб ёшларда эзгуликка (одамнинг энг бахтли вақти - бошқаларга эзгулик қилган онларидир); покликка (дили покнинг кўнгли шод, ишида кушод); тўғрилиқка (тўғрилиқ-одамдан берган сўзида туришни талаб қилади); меҳнатсеварликка (меҳнат инсонни уч балодан сақлайди; юрак сиқилишидан, ахлоқий бузилишидан, муҳтожликдан); одамийликка (одам бўлиш - осон, одамий бўлиш - қийин); яхшиликка (яхшилик нур келтирар, ёмонлик-зулмат); дўстликка (вафоли дўст - изга солар, ифвогар дўст пойдан олар); сахийликка (сahийнинг ўнг қўли берар, чап қўли билмас); камтаринликка (камтарлик-катта давлат, камтарлик кўкка кўтарар, манманлик ерга киритар); ростгўйликка (рост гап айтган енгилмас, ёлғончининг ёнидан ўтма, ростгўйнинг ёнидан кетма); сабрлиликка (сабр - аччиқ, меваси-ширин); ота-онани ҳурмат қилишга (ота-онанг давлатинг, фарзандларинг - савлатинг) ва устозни улуғлашга ўргатилади". Тўғрилиқ, ҳалолилик, эзгулик, инсонпарварлик, юксак маънавийли бўлиш каби фазилатлар соғлом турмуш тарзига эга ёшларнинг маънавий қиёфасидир. Маънавий соғлом шахс инсонларга хайрихоҳ бўлади, ўз турмушидан хурсанд ва мағрур яшайди. Бу каби сифатлар Ўзбек халқининг бой маданий меросида муҳим ўрин эгаллаган, тарихан таркиб топган миллий урф-одатлар, анъаналар, маросимларни ёшлар соғлом турмуш маданиятини шакллантиришга таъсири нуқтаи назаридан ўрганиш муҳим ўрин эгаллайди.

Шарқ халқларининг бой халқ педагогикаси, ёзма адабиёти, диний манбалари, буюк мутафаккирлари олға сурган ғоялари, асрлар давомида сайқалланиб келган ахлоқий фазилатлари ёшларга ғамхўрлик қилиш, кичикларга иззат, катталарга ҳурмат, сахийлик каби фазилатларни шакллантириш омили бўлиб хизмат қилади. Зеро, соғлом турмуш маданияти энг аввало мейёрни билиш нафақат ўзини тийиб овқатланиш, балки эрталабки бадантарбия, инсонга ҳурмат, айниқса, ёрдамга муҳтож инсонларга ёрдам беришдир. Шунингдек, таълим-тарбия жараёнида муқаддас манбалардан ўринли фойдаланиш талаб этилади. Айниқса, халқ оғзаки ижодининг ёшлардасоғлом турмуш маданияти кўникмаларини шакллантиришга таъсир кучи, унда халқнинг ўзлиги, миллий хусусиятларининг очиб берилиши, халқнинг ахлоқий, бадий-эстетик, экологик, иқтисодий, диний, ақлий, жисмоний маданияти мазмуни, таълим-тарбия шакли,

усуллари ва воситаларини ўзида мужассамлаганлиги билан ифодаланadi. Халқ оғзаки ижодида мужассам бўлган халқимизнинг диди, воқеликка эстетик муносабати, ахлоқий-маънавий хатти-ҳаракатлари, ҳалол ва пок бўлиш, ахлоқ-одоби билан халқ ҳурматини қозониш ҳар бир инсоннинг кундалик эҳтиёжига айланиб қолиши кераклиги тарғиб қилинади. Халқ оғзаки ижодининг қадимий шаклларида бири бўлган афсоналарда баён қилинишича, Худо одамни яратиб, унга турли касб-хунар ўргатиб, тирикчилик йўллари кўрсатиб берган экан, бунинг негизида одам соғлом турмуш тарзига эга бўлиши учун меҳнат қилиши, ўз меҳнати орқали ҳурмат қозониши кераклиги ғояси илгари сурилади. Ёшларга халқ хунармадчилигининг инсон турмуш тарзидаги тутган ўрнини англаш имконини беради. Кундалик турмушда муқаддас тушунчага айланган, ўзаро инсоний муносабатларнинг, муомаланинг, танишнинг асоси бўлган саломлашиш қоидалари яратилган бўлиб, ҳадисларда: "От минган киши пиёдага салом беради, озчилик кўпчиликка салом беради, ташқаридан келган киши ичкаридагига салом беради", - деб кўрсатилади. Соғлом турмуш тарзи кўникмаларини тарбиялашда олқишлардан фойдаланиш самарали натижа беради. Олқиш - халқнинг асрлар мобайнида эзгулик, инсон ва унинг бахт-саодати куйланиб келинган барҳаёт кўшиғи. Олқиш жанри эзгуликка хизмат қилиши, яхшиликка даъваткорлиги билангина яшаб келади. Олқишлар учун энг характерли нарса уларнинг халқ эстетик идеали билан гўзаллик туйғулари ҳамнафас вужудга келиши ва жонли яшашидир. Чунки олқишларда алоҳидалик умумийлик билан, тасодифийлик зарурият билан, индивидуаллик типиклик билан, ташқи хусусият моҳият билан, ўтмиш келажак билан уйғунлашган ҳолда ўз ифодасини топган. Мулойим оҳанг, жумланинг мазмуни таркибий қисмларга осон ажрала олиш хусусияти, изчил бўлиши олқишларнинг шаклан гўзаллиги ва мулойимлигини таъминловчи воситалар саналади. Олқишлар кишиларга сиҳат-саломатлик, омад, тинчлик-омонлик, тўкин-сочин ҳаёт тилаш каби хусусияти билан ҳамма вақт яшайди. Шунингдек, анъанавий маросимларда ҳам олқишлардан фойдаланилади. Кундалик маиший олқишлар, учрашув олқишлари, дастурхон олқишлари, бирор бир иш ёки тадбир бошланишидан олдин айтилувчи олқишлар ёшларда эзгулик, инсоний фазилатларни тарбиялаш воситаси ҳисобланади. Айниқса, дастурхон атрофида таомдан олдин ва таом ейилгач, дастурхон қоқишдан олдин ишлатилади. Овқатланиш учун оила аъзолари дастурхон атрофига ўтирганда таомдан олдин айтилувчи олқишлар айтилади: "Омин, хайри барака, хотиржамлик, тўкин-сочинлик, тинчлик-омонликни берсин" каби. Бундай шукроналик оилада ёшлар онгига сингдириб борилади. Таом еб бўлгандан кейин ҳам олқишлар айтиш орқали ёшларни шу нарсаларга ўргатиб борилади. Таомдан сўнг оила бошлиғи дастурхон атрофида "Омин, таомни бергани учун Худога шукур. Соғлик-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик бўлсин. Дастурхонимизга барака берсин. Болаларимизнинг ризқ-насибасини берсин.", - деб олқиш ўқийди. Бу дастурхон атрофида ўтирганлар хулқ-атворида ижобий таъсир кўрсатади. Ёш авлодда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантиришда мақоллардан фойдаланиш самарали тажа беради. Мақол- халқ орасида энг кўп қўлланиладиган халқ оғзаки ижоди жанри. Мақоллар ижтимоий функциясига кўра кенг халқ оммасининг дунёқарашини ифодалайди. Мақол тематик бой, образлар дунёси ранг-барангдир. Мақолларда асосан одамийлик ва ахлоқийлик, эзгулик, инсонийлик каби маънавий қадриятлар улуғланади.

Шундай қилиб, юқоридаги фикрлар шундан далолат берадики, халқ

педагогикаси ёшлар соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг дастлабки қирралари ўз ифодасини топган:

- инсониятнинг пайдо бўлиши билан пайдо бўлган соғлом ҳаёт, саломатлик, соғлом турмуш тарзи ҳақидаги қарашлар тараққиёти босқичма-босқич ўз ифодасини оғзаки ва ёзма равишда авлоддан авлодга жамиятдан жамиятга ўтиб ёшлар тарбиясига таъсир этиб келган;

- халқ педагогикаси соғлом турмуш тарзи талаблари, қоидаларининг амалиётдаги инъикоси сифатида яшовчанлик, таъсирчанлик, долзарблик характерига эга;

- халқ педагогикаси манбаларида соғлом ҳаёт кечириш, чиниқиш; жисмоний меҳнат билан шуғулланиш, тўрғи овқатланиш, сўз, онг, фикр саломатлиги, шахсий саломатлиги ҳақида қайғуриш, табиатни авайлаб-асраш ва бошқалар ўз аксини топган бўлиб, улар соғлом турмуш тарзи ҳақида илмий асосга эга ғоялар ривожини пойдевори ҳисобланади:

- халқ педагогикаси орқали ифода этилган соғлом турмуш тарзиғоялари амалиёт - назария - амалиёт занжири асосида шаклланиб борганлиги, оила - шахс - жамият тизими воситасида ёшлар онгига таъсир этганлиги билан ўзига хос хусусиятга эгадир.

Таълим тарбия жараёнида халқ педагогикасидан фойдаланиш, бўлғуси ўқитувчиларга чин маънодаги ўқитишнинг усул ва воситаларини кўрсатиб бериш асносида, педагог ва таълим олувчи ўртасида педагогик мулоқот маданиятини таркиб топтириш, миллий истиклол ғояси асосида соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг мазмуни ва самарадорлигини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. И.А.Каримов "Юксак маънавият- енгилмас куч" ., "Маънавият " нашриёти Тошкент 2008 йил.

2. Толстых В.И. Образ жизни. Понятие. Реальность. Проблемы. -М.: Мысл, 1975.- с.27.

3. Худойбергенова П.Т. Миллий турмуш тарзи, унинг мустақиллик йилларида тараққиёт хусусиятлари:

Дис.... фал.фан.номз. - Т., 2005.-169 б.


4. Жабборов И. Турмуш тарзи, урф-одатлар ва одоб. -Т.: Ўзбекистон, 1983, -Б. 4-27.

5. Ўринбоев Н.Ў. Барқарор тараққайётни таъминлашда соғлом турмуш тарзининг ўрни. Автореф. дис...фал.ф.номз.- Т., 2005. -23б.

**ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР
ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ
INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY**

Худайберганава Наргиса Курбанбаевна
ТТА Урганч филиали "Тиллар"кафедра ўқитувчиси

**ПЕДАГОГИК ЖАРАЁНДА, СОЁЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ
ТАШКИЛ ҚИЛИШ ОРҚАЛИ КОМИЛ ИНСОННИ
ТАРБИЯЛАШ МАСАЛАСИ**

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2019-12-8>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада педагогик жараёнда, соғлом турмуш тарзини ташкил қилиш орқали комил инсонни тарбиялаш масаласи ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Соғлом турмуш тарзи, педагогик жараён, комил инсон, таълим-тарбия, баркамол авлод, маънавият-маърифат, шахс

Годайберганава Наргиса Курбанбаевна
ТТА Ургенчского филиала, преподаватель кафедры «Языки»

**ПРОБЛЕМА ВОСПИТАНИЯ СОВЕРШЕННОГО ЧЕЛОВЕКА В
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ПРОЦЕССЕ, ЧЕРЕЗ ОРГАНИЗАЦИЮ
ЗДОРОВОГО ОБРАЗА ЖИЗНИ**

АННОТАЦИЯ

В данной статье освещается роль воспитания детей в педагогическом процессе, пропаганде здорового образа жизни.

Ключевые слова: Здоровый образ жизни, педагогический процесс, обучение, воспитание, идеальный человек, духовность-просветление, личность

Hudayberganova Nargisa Kurbanbaeva
TTA of the Urgench branch, teacher of the Department «Languages»

**THE ISSUE OF EDUCATING A PERFECT PERSON IN THE
PEDAGOGICAL PROCESS, THROUGH THE ORGANIZATION
OF A HEALTHY LIFESTYLE**

ANNOTATION

This article highlights the role of raising children in the pedagogical process, promoting a healthy lifestyle.

Key words: Healthy lifestyle, pedagogical process, education, ideal person, spirituality-enlightenment, personality

Мамлакатимизда бугун ривожланиш, тараққий қилиш тобора авж олаётган хозирги кунда, ёшларимизни кўп жихатдан етук, баркамол қилиб тарбиялаш масаласи хар қачонгидан-да долзарб вазифага айланган. Айтиш мумкин-ки бу ўринда ўсиб келаётган ёшларимизни соғлом турмуш тарзига ўргатиш, уларни комил инсон бўлиб етишишларида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Биринчи президенти Ислом Абдуганиевич Каримовнинг "Юксак маънавият енгилмас куч" асарида шундай фикрлар билдирилади: "Бугунги кунда бизнинг қилаётган барча ишларимиз, фарзандларимизнинг бахту саодати, уларнинг ёруф келажаги учун амалга оширилмоқда."

Шундай экан ёшларимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, улар саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмонан соғлом, маънан бой ёш авлодни тарбиялаш, фуқароларни жисмоний тарбия ва спорт билан фаол шуғулланишга кенг жалб этишни таъминлашга йўналирилган, комплекс тадбирларни амалга оширилмоқда.

Биз бугун ҳуқуқий демократик жамият қуриш йўлидан илдам қадамлар билан бораётган давлатимизда ҳар бир инсон ўз саломатлигини сақлаш учун ўзи маъсул бўлиши, саломатликни энг олий қадрият деб билиши лозимлигини уқтиришимиз лозим. Бунга эса педагогик жараён орқали эришишни таъминлаш самарали натижаларни беради.

Шиддат билан ривожланаётган хозирги ҳаётимизда, рақобатга бардош бера оладиган бозор муносабатлари қонуниятларига, жамиятга хос шахс сифатида ўзини намоён этиши учун аввало соғлом булиши зарур. Шахснинг саломатлиги нафақат ўзининг балки жамиятнинг ҳам ютуғидир. Хар бир инсоннинг соғлом бўлиши моддий мафаатдорлигини намоён қилади. Соғлом турмуш тарзини шакллантиришни инсон шахсининг шаклланиш жараёни билан қўшиб олиб бориш ижтимоий аҳамиятга молик бўлган долзарб масаладир.

Хар бир инсон ҳаётда соғлом ва бахтли бўлиб яшаши учун доимий равишда ўзи устида ишлаши фаол ҳаракат қилиши, босқичма-босқич ўз шахсининг ўсиб боришини таъминлаши, соғлом турмуш тарзида яшашни ўзига касб қилиб олиши лозим.

Инсон ўзини-ўзи фаоллаштириб, ўз шахсини босқичма-босқич ривожлантириб борувчи шахс бўлиши учун қуйидагиларга амал қилиши лозим:

- Ўзи танлаган ва севимли иш билан банд бўлиш
- Ҳаётда инсон олдида пайдо бўладиган номаълум ёки янги вазиятларда чекинмасдан фақат олдинга қараб интилиш.
- Ўзининг ички овозига(менига)қулоқ солиш ўз ақли билан мустақил яшай билиш.
- Ўзига маъсулиятни ола билиш, мунозарали масалаларга жавоб топиш учун ўз шахсига мурожаат қилиш.
- Бошқаларнинг фикрига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўз фикрини айта олиш.

Ўзларини фаоллаштирувчи шахслар ўзгалар билан тез тил топа оладилар ва бағри кенглик қила оладилар. Ўзгаларнинг ютуқлари билан ўртоқлашишга, уларга ёрдамлашишга тайёрдирлар, табиат гўзалликлари ва атроф муҳитнинг софлиги

инсон саломатлиги учун ва одамларнинг соғлом турмуш тарзида яшашнинг муҳим шarti деб биладилар.

Соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун ёшларимиз фаол бўлиши, жамиятнинг барча жабхаларидаги янгиликлардан бохабар бўлиши, ўз ҳаёти ва фаолиятидаги ютуғи билан жамиятни олдинга қараб силжитувчи куч булиб ҳисобланади. Ҳар қандай жамиятнинг олдинга қараб ривожланиши, ҳар бир жамият аъзосининг шахс сифатида шаклланиши -уларнинг мамлакат иқтисодиётига қўшадиган ҳиссаси билан белгиланади.

Ёшларимизни саломатлиги ва унинг меъёрий ҳаёт фаолиятини таъминлаш, организмнинг биологик ва руҳий ва ижтимоий хусусиятларининг мукамаллиги ҳамда мутаносиб ривожланганлиги билан узвий боғлиқдир. Руҳий ва ижтимоий саломатлик инсонлар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар жараёнида ривожланиб, ўзининг ифодасини топиб боради. Зеро, меъёрий руҳий саломатлик, меъёрий ижтимоий саломатликнинг шаклланишига олиб келади. Ёшлар саломатликнинг айнан шу даражасидагина ўзининг ижтимоийлик хусусиятини намоён қилади ва жамиятдаги мавжуд қадриятларга ўзининг муносабатини билдиради, шу асосда ўз саломатлигига муносиб ўрин ажратиш имкониятига эга бўлади. Фақат соғлом муносабатларгина ёшлар саломатлигини мустаҳкамловчи омил бўла олиши мумкин ва айнан шу сабабли уларни соғлом турмуш тарзининг кундалик қоидаларига айланиб кетишига эришмоғимиз лозим.

Барча тараққий этган мамлакатларда саломатлик инсоннинг энг муҳим бойлиги ҳисобланади. Соғлом инсон исталган жамиятда катта кучга эга яратувчилик вазифасини бажаради, қувонч, интеллектуал ва жисмоний қобилиятнинг манбаси ҳисобланади.

Шу муносабат билан инсон эҳтиёжи бўлмиш саломатликни мустаҳкамлаш долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Бундан жамиятнинг ҳар бир аъзосида улар ҳаётида энг муҳим бўлган саломатликка бўлган муносабатни тарбиялаш масаласи пайдо бўлади. Жисмоний ривожланиш, жисмоний тайёргарлик, жисмоний ҳолат ва функционал тайёргарликнинг сон кўрсаткичлари ёш инсон саломатлиги даражаси ҳақида нисбатан маълумот беради. Шу муносабат билан педагогик жараёнда ёшлар соғлом турмуш тарзини саломатликни сақлаш ва яхшилашга, соғломлаштирувчи жисмоний тарбия турлари, услуб ва усулларига, соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган, соғломлаштириш тизими сифатида кўриб чиқилади.

Жисмоний баркамоллик саломатлик гарови бўлиб, у шахсни ҳар томонлама ривожлантириш ва ёшларни тарбиялашга ёрдам беради. Тарбия жараёнининг бош вазифаси-тарбиявий фаолиятнинг динамизми ва барқарорлигини кучайтириш, тарбиянинг юқори натижаларини кафолатлаш. Бу эса ёшларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олувчи педагог шахсиятига асосланади.

Ёшлар ҳаётида саломатлик, айниқса ёшлигида, муҳим аҳамиятга эга. Саломатлик даражаси инсоннинг касбий етуклиги ва ижодий ўсишига сабаб бўлади.

Мутахассисларнинг фикрича аҳоли саломатлиги 20% ирсий омилларига, 20-30% атроф муҳит таъсирига, 40-50% турмуш тарзига ва 10% соғлиқни сақлаш хизмати фаолиятига боғлиқ экан. Ҳаёт тарзи саломатликнинг муҳим омилли ҳисобланади. Шунинг учун соғлом ҳаёт тарзига ўргатишнинг педагогик тизимини ишлаб чиқиш лозим.

Ёшлар ҳаётда ўз ўринларини энди топаётган, мустақилликлари

ривожланаётган бир пайтда соғлом ҳаёт тарзини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки ёшлик пайтида орттирилган кўникмалар бутун умрга мустаҳкам асос бўлади.

Маълумки, жамиятимизда инсон саломатлиги, жисмоний баркамоллиги, соғлом турмуш тарзи маданиятига эгаллиги ўта муҳим ижтимоий қадрият ҳисобланади. Миллат саломатлигини таъминлаш, халқ генофондини бекаму-кўст сақлаш соғлом турмуш тарзи туфайлигина етарлича ижобий тарзда ҳал этилади. Бу эса, жамиятнинг барча ижтимоий институтлари; оила, ўқув-тарбия масканлари, маҳалла ҳамда мустақил таълим олдига жамиятимиз фуқароларига соғлом турмуш тарзи мазмуни ва моҳиятини англантиш, ёшларни сергак ва билимдон, баркамол шахс қилиб тарбиялаш масаласини кўндаланг қилиб кўяди.

Соғлом турмуш тарзи-бу фаол меҳнат, ижод оғушида яшаш, кучли жисмоний ва руҳий юкларни, ўта хавфли ва зарарли таъсир кўрсатувчи омилларни енгили кўтара оладиган ҳар томонлама тараққий этган шахснинг шаклланиш жараёнидир.

Фалсафа ва ижтимоий гигиенага оид адабиётларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш муаммоларига сўнги пайтларда катта эътибор берилмоқда. Бу масаланинг ижтимоий-руҳий, тиббий-гигиеник, иқтисодий, шахснинг ўзига алоқадор мотивацион томонлари тадқиқ этилмоқда. Бироқ, соғлом турмуш тарзининг методологик муаммолари ва ижтимоий-гигиеник мезонлари айрим минтақаларнинг ўзига хос томонлари, иқлимий-географик шароитлари, аҳоли турмуш маданиятининг этник хусусиятлари етарлича ўрганилмаганлиги масаланинг муаммоли томонидир.

Соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг миллий концепцияси намунавий модели республика ёшлари ўртасида соғлом турмуш тарзи шакллантириш жараёнини маълум бир тартибда ва илмий асосда олиб боришни имконини яратади, унинг самарадорлигини оширади. Шу билан бирга соғлом турмуш тарзи намунавий модели -ёшлар ўртасида соғлом муносабатларни ҳамда намунавий ҳулқни шакллантириш жараёнини тартибга солиб боради ва тезлаштиради. Ёшлар жамиятда ўзларининг мавжуд яшаш тарзларини, гигиеник ҳулқларини, шунингдек тиббий маданийлиги ва фаолликларини намунавий босқич билан қийслаб кўриш ва унга тегишли ўзгартиришлар киритиб бориш имкониятига эга бўлади.

Педагогик жараёнда соғлом турмуш тарзини шакллантиришда мотивация омилнинг ўрни ниҳоятда катта, мотивация шахсни маълум бир фаолиятини бажаришга киришиши учун ҳаракатга келтириш, унинг муҳимлигини асослаш ва англантишдан иборатдир. Жумладан соғлом турмуш тарзи шакллантириш муаммосида мотивация омилли ёшларга уларнинг нима учун соғлом турмуш тарзи да яшаш лозимлиги кераклигини англантишга қаратилган. [4].

Соғлом турмуш тарзини шакллантириш педагогик жараёнда мотивация омилнинг ўрнини баҳолашда ҳар бир шахсда унинг кундалик ҳаёт фаолиятини таҳлил қилиш учун зарур бўлган учта асосий элементнинг мавжудлигига эътиборни қаратиш лозим. Жумладан ҳар бир шахсда:

- соғлом турмуш тарзи ҳақидаги билимларнинг мавжудлиги;
- соғлом турмуш тарзида яшашнинг инсонни соғлом қилишга ва умрини узайтириши мумкинлигига қатъий ишончининг бўлиши;
- соғлом турмуш тарзида яшаш учун астойдил ҳаракатнинг мавжуд бўлиши кабилар кирилади.

Назарий жаҳатдан олиб қаралганда одамларнинг кундалик ҳаётида бу учбурчак

турлича вариантларда шаклланган бўлиши мумкин. Ҳар бир шахснинг ўз саломатлигини мустақамлашга бўлган ички эҳтиёжи унинг бу йўлдаги амалий ҳаракатини белгилайди. Шунга кўра барча омилларни:

- гигиеник жиҳатдан тўғри ва асосланган турмуш тарзида, яъни соғлом турмуш тарзида яшовчиларга;

тиббий гигиеник жиҳатдан асосланмаган, яъни носоғлом турмуш тарзида яшовчиларга ажратиш мумкин. [5].

Соғлом турмуш тарзи ўқиш, меҳнат қилиш ва дам олиш гигиенаси, шахслараро муносабатлар маданиятини, экологик маданият, ўз организмни физиологик жиҳатидан авайлаш ва атрофдагиларнинг саломатлиги тўғрисида қайғуриш сингари комплекс омилларни ўз ичига олади. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти ўсиб ва ривожланиб бораётган ҳозирги даврда соғлом турмуш тарзининг ижтимоий - гигиеник мезонларини аниқ белгилаб олишнинг аҳамияти жуда каттадир.

Ҳозирда мамлакатимизда ёшлар орасида соғлом турмуш тарзи мафкураси - шахс саломатлигининг қонунятлари ва билимлари мажмуи эмас, балки инсон саломатлигини мустақамлашга бўлган қарашлар тизимидан иборатдир. Соғлом турмуш тарзи мафкураси, Р.У.Арзикуловнинг фикрича, турмуш тарзининг фалсафасини, давлатнинг соғлом турмуш тарзини шаклланиши бўйича юритаётган сиёсати, соғлом турмуш тарзининг ҳуқуқий, ахлоқий асосларини, соғлом турмуш тарзининг педагогикаси, психологияси, социологик маданияти, этикаси ва ҳечинаслиги ўзида мужжасамлаштирган бўлиши лозим [2].

Маълумки, меъзон - бу шундай бир ўлчамки, унинг ёрдамида биз учун ўлчаниши зарур бўлган жараёнларни шакллантирилган муаёян кўринишга эгаллиги билан таққослаш имкониятига эга бўламиз, уни баҳолай оламиз. Соғлом турмуш тарзидек мураккаб ижтимоий жараёнларни ўлчашда унинг биз учун мақбул ва зарур бўлган ўлчамларини шакллантириш муҳим амалий аҳамиятга эгадир.

Соғлом турмуш тарзини ўлчашда ишлатилиши мумкин бўлган бундай меъзонлар қаторига шахснинг:

- жамоатчилик ва меҳнат жараёнларида фаоллик кўрсатиб, самарали ижодий фаолият билан машғул бўлиши;

- ўқишда, оилада ва кундалик турмушда намунали яшаши;

- ўзидаги жисмоний ва маънавий қобилиятларни рўёбга чиқаришга интилиши;

- табиий ва ижтимоий муҳит билан мутаносибликда яшаши;

- соғлом ва баркамол инсон бўлиб шаклланиш учун ўз шахсини босқичма-босқич ривожлантириб боришга интилиши;

- носоғлом турмуш тарзига хос зарарли одатларнинг қулига айланиб қолишдан ва ўз умрини ҳаёт оқимининг аёвсиз гирдобига тушиб қолишдан асрашга интилиб яшаши;

- фақат узоқ яшаётгани учунгина эмас, балки ҳаётда тўғри яшаётганидан ҳам қониқиши ҳосил қилиб, завқланиб яшаши интилиши;

- соғлом турмуш тарзини ўзи учун бир умрга ҳамроҳ қилиб олиши каби қимматли сифат ва хусусиятларини киритиш мумкин.

Ҳар бир инсон ўз тана аъзоларининг заҳиравий имкониятларини ошириш учун, уларни мунтазам равишда чиниқтириб бориши лозим. Саломатлик заҳираларини яратиш учун соғлом турмуш тарзининг қуйидаги қоидаларига амал қилиш тавсия этилади:

- мунтазам равишда жисмоний тарбия ва жисмоний меҳнат билан шуғулланиш.

Хафтада организмга камида 6 соат жисмоний юклама бериш;

- меъерий ақлий ва жисмоний юклама билан ишлаш, кучли ақлий меҳнатдан сўнг фаол дам олиш. Меҳнат билан дам олишни галмагал ва мазмунли ташкил қилиш;

- рационал ва таркиб жиҳатдан тенглаштирилган овқатланиш, ортиқча вазндан қутилиш, ҳайвон ёғлари, қанд ва ширинликларни истеъмол қилишини чегаралаш;

- зарарли одатлардан юз ўгириш;

- организмни чиниқтириш;

- тоза ҳавода ҳар куни камида 2-3 соат бўлиш;

- кун тартибига қатъий амал қилиш, бир кеча-кундузда камида 8 соат ухлаш;

- эҳтиёж туғилганда турмуш тарзини ва ишини ўзгартириш;

- турмуш, ўқиш ва ишдан қаноатланиб яшаш. [1].

Мамлакатимизнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти ўсиб ва ривожланиб бораётган ҳозирги даврда соғлом турмуш тарзининг ижтимоий-гигиеник мезонларини аниқ, белгилаб олишнинг аҳамияти айниқса ортиб бормоқда.

Мезон - бу шундай бир ўлчамки, унинг ёрдамида биз учун ўлчаниши зарур бўлган жараёнларни шакллантирилган стандарт билан таққослаш имкониятига эга бўламиз, уни баҳолай оламиз. Соғлом турмуш тарзидек мураккаб ижтимоий жараёнларни ўлчашда унинг биз учун маъқул ва зарур бўлган ўлчамларини шакллантириш муҳим амалий аҳамиятга эгадир.

Соғлом турмуш тарзини тавсифловчи мезонлар ҳар бир шахс ҳаётининг иқтисодий жиҳатларини жумладан: яшаш даражасини, моддий таъминотини, ижтимоий томонларини: ҳаётининг сифати, яшаш шароитларини ва шахс маънавий-руҳий томонларини: тарихан шаклланган миллий анъаналарга, урф-одатларга амал қилиб яшашини, ҳар бир шахснинг айнан ўзигагина хос яшаш услуби кабиларни ҳам қамраб олади.

Таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, фалсафа ва ижтимоий гигиенага оид адабиётларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш муаммоларига сўнгги пайтларда катта эътибор берилмоқда. Бу масаланинг ижтимоий-руҳий, тиббий-гигиеник, иқтисодий, шахснинг ўзига алоқадор мотивацион томонлари тадқиқ этилмоқда. Бирок, соғлом турмуш тарзининг методологик муаммолари ва ижтимоий-гигиеник мезонлари айрим минтақаларнинг ўзига хос томонлари, иқлимий-географик шароитлари, аҳоли турмуш маданиятининг этник хусусиятлари етарлича ўрганилган эмас.

Соғлом турмуш тарзини шакллантиришга инсон ҳаёт фаолиятида педагогик-психологик, тиббий-гигиеник, ижтимоий-иқтисодий ва экологик жараёнларнинг пайваста бўлиб бирлашуви орқали эришиш мумкин. Кундалик турмуш инсон саломатлигига, унинг жисмоний ва руҳий ривожланишига қандай таъсир ўтказиб боришини билиш керак. Бошқача айтганда педагоглар, психологлар тиббиёт ходимлари ҳар бир шахс тўғрисида, унинг ўқиши, турмуш тарзи, меҳнатининг хусусиятлари, оилавий, маиший аҳволи, маълумоти тўғрисидаги аниқ, ахборотга эга бўлишлари лозим. Соғлом турмуш тарзи - ўзининг мустақкам маънавий асосига эга бўлмас экан, уни шакллантириб бўлмайди. Соғлом турмуш тарзида яшаш юксак маънавийликга интилиб яшашни англатади ва ҳар бир шахсдан ўзида юксак маънавийлик сифатларини мужассамлаштиришни тақозо қилади. Маънавийлик ва моддийлик диалектикасидаги амал қилиниши лозим бўлган мўътадил мутанносблик мувозанатининг бузилиши, ҳам маънавийликга, ҳам моддийликга жиддий путр етказилади. Моддийлик инсоннинг биологик

эҳтиёжларини яъни инстинктлари талабини қондириб яшаши туфайли шаклланиши мумкин бўлган фалсафий категория бўлса, маънавийлик - категория сифатида инсоннинг шахс бўлиб шаклланиши учун унга берилган имкониятдир. Инсонларда моддийликнинг улардаги маънавийликни заифлаштириш ҳисобига устун ривожланиши, маданий савияси паст ва ҳатто баъзан ҳайвонсифат инсонларнинг шаклланишига сабаб бўлади. Бундай одамлар ҳаётнинг мазмунини фақат биологик инстинктлар талаби билан чегараланган ҳолда яшашдан иборат деб тушунадилар. Жамиятда истеъмолчилик кайфиятига эга бўлган бундай шахсларнинг кўпайиши миллатнинг равнақи учун ҳам, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун ҳам жиддий зарар етказди, жамият тараққиётини сезиларли равишда орқага суради.

Демак биз педагогик жараён орқали, соғлом турмуш тарзини ташкил этишда, эртамизнинг келажаги бўлган ёшларда соғлом авлод, комил инсонни тарбиялаш учун, масалага чуқурроқ ёндашишимиз талаб этилади. Ўз мақсадимизга эришиш йўлида ёшларни соғлом фикрли, ўз нуқтаиназарига эга бўлган комил инсонни тушунамиз. Комил инсон деганда, биз фақат жисмонан бақувват фарзандларни эмас, балки маънавийли маърифатли, дунёқараш кенг, соғлом ёшларни назарда тутишимиз лозим. Зеро, маънавий соғлом бўлмасдан туриб, жисмонан соғлом бўлиш мумкин эмас. Ҳар иккала тушунча бир бирига мос ва бири иккинчисини тақозо қилади. Ҳам жисмонан, ҳам маънавий соғлом ёшлардан ташкил топган халқни ҳеч қачон синдириб бўлмайди. Биз жисмонан соғлом, юксак маънавийли ва ягона миллий ғоя асосида жипслашган миллатни шакллантиришни бош мақсад қилиб қўяр эканмиз уни соғлом турмуш тарзида яшашга ўргатиншимиз лозим.


Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Соғлом авлод - бизнинг келажагимиз. Таҳрир ҳайъати М.Муҳаммад Дўст, О.Мусурмонова, Т.Рисқиев ва бошқ. Т.Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти 2000. -272 б.
2. Муминова Ф. Ўқувчиларда соғлом ҳаёт тарзи кўникмаларини шакллантириш омиллари. //Ж:Мақтаб ва ҳаёт №7, 2002. -20-21 б.
3. Шодиметов Ю. Соғлом турмуш тарзи ижтимоий гигиеник ва экологик муаммолар. Т.: Ибн Сино ном. Нашр. 1991. 118 б.

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY

Хасанова Саида Ганижонова
Андижон давлат университети
умумий психология кафедраси ўқитувчиси

БОЛАЛАРНИ МАКТАБГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ПСИХОЛОГИК МУАММОЛАРИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2019-12-9>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола болаларни мактабга тайёргарлигини аниқлаш муаммоларига бағишланган ва болаларни ўқув жараёнига тайёрлашда уларнинг психикаси ҳамда психик жараёнларнинг ўрни, ота-оналар диққатини қаратиш зарур бўлган жиҳатлари ёритилган.

Калит сўзлари: ижтимоийлашув, психологик тайёргарлик, жисмоний ривожланиш, мослашиш, билиш, эҳтиёжлар, лаёқат, интиқом.

Хасанова Саида Ганижановна,
преподаватель кафедры общей психологии
Андижанского государственного университет

ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ ОПРЕДЕЛЕНИЯ ГОТОВНОСТИ ДЕТЕЙ К ШКОЛЕ

АННОТАЦИЯ

Проблемы этой статье является определение готовности детей к школе и детям в процессе обучения своих процессов психологической подготовки и умственных, таких как роль родителей, которое необходимо обратить внимание на аспектах света.

Ключевые слова: одаренность, социализация, психологическая подготовка, психическое развитие, адаптация, познавательные потребности, поведение и склонности.

Khasanova Saida Ganzhonovna
lecturer department of general psychology
Andijan state university

PSYCHOLOGICAL PROBLEMS OF DETERMINING THE READINESS OF CHILDREN FOR SCHOOL

ANNOTATION

Article is devoted to determining the level of preps redness of gifted children's to school, explores the role of psychological actors in the preparation of child's to the educational process and the role of parents

Keywords: talent, socialization, psychological training, psychical development, adaptation, cognitive needs, behavior and inclinations.

В нашей стране огромное внимание уделяется развитию подрастающего поколения. Реформы в системе образования, различные государственные программы призваны обеспечить экономико-социальные, психологических аспекты благосостояния и развития молодых кадров.

2016 год объявлен "Годом здоровой матери и ребёнка", в этом году возрастёт ответственность педагогов, медицинских работников, а также родителей, махаллинских сходов граждан, которые должны непрерывно следить над физическим, социальным, психическим, духовным состоянием развивающегося молодого поколения.

Взрослые, родители, готовя своих детей к школе, сталкиваются с проблемами адаптации ребёнка, такими как начало систематических процессов обучения, воспитания, первый класс, первый преподаватель, новый коллектив, новые друзья - это новый эмоционально-психологический этап в развитии ребенка. Ребенок чувствует свою значимость, он идет в первый класс, но придя в школу, он осознает, что это первый этап - начало, а дальше ещё учебный процесс. В этот период происходит дальнейшее физическое и психофизиологическое развитие ребёнка, обеспечивающее возможность систематического обучения в школе. Проблема готовности детей к школе привлекает к себе особый интерес. Изучению этой проблемы посвящены многие исследования. С первых дней независимости в нашей стране большое внимание уделяется к работе с развивающимися детьми и подростками.

Вопросы формирования методов с развивающимися детьми - приоритетное направление в системе образования Узбекистана. В реализации Национальной программы по подготовке кадров особое место занимают новые типы образовательных учреждений - академические лицеи и профессиональные колледжи, в которых обеспечивается индивидуальный подход к интеллектуальному развитию учащихся.

Прежде всего, совершенствуется работа головного мозга и нервной системы.

Объективная психологическая готовность к обучению в школе:

1. Острота и свежесть восприятия
2. Любознательность
3. Внимание относительно длительно и устойчиво
4. Память достаточно развита
5. Яркость воображения
6. Речь достаточно развита

Субъективная психологическая готовность к обучению в школе:

1. Желание и стремление учиться в школе.

2. Своеобразная готовность к новым формам взаимоотношений с взрослыми.
3. С первых дней обучения в школе возникает основное противоречие, которое является движущей силой развития в первом классе.

4. Требования всё время нарастают, и наличный уровень психического развития непрерывно подтягивается к необходимому уровню.

В истории развития поступающих детей в школу есть немало примеров тому, что у детей этого возраста есть специфические проблемы при поступлении в школу, один из них - проблема социализации. В научной литературе (Л.Ф.Обукова, Б.С.Волков) анализированы психологические особенности детей, которые поступают в школу, где утверждается, что эти дети чувствуют себя в "осреднённой среде" неуютно, не учитывается специфика их поведения, наклонностей, отношение к сверстникам. Нередко они проявляют неуверенность и неточность в идентификации личности.

Следующий вопрос - возраст ребёнка при поступлении в школу класс с обучением по программам повышенного уровня сложности.

При приёме ребёнка в школу, прежде всего, следует учитывать его физиологическую зрелость, способность организма справляться с учебными нагрузками, определение которых осуществляет специальные психофизиологические методы.

Личностные качества детей поступающих в первый класс:

1. Зависит от школьной успеваемости, оценка ребёнка взрослыми
2. У селенная подверженность внешнему влиянию.
3. Закладывается фундамент повседневного поведения, происходит усвоение моральных норм и правил поведения.
4. Начинает формироваться общественная направленность личности

Система психолого-педагогической оценки позволяет в некоторой степени оценить целесообразность раннего начального обучения.

Здоровые развитые дети, которым не хватает до установленного возраста нескольких месяцев, при условии их успешного прохождения всех этапов диагностического обследования, вполне справляются в дальнейшем с учёбой. Это отнюдь не означает, что эти трудности будут преодолимы и не скажутся отрицательно на здоровье. Однако таких детей - меньшинство.

Значительно чаще дети более раннего возраста уже на первом занятии продолжительностью 15-20 минут, демонстрируют отсутствие зрелой само регуляции, устойчивости внимания и т.д. В игровых занятиях эти черты проявляются ещё более ярко. Всё, что дети наблюдают, о чём думают, что делают, вызывает у них эмоционально окрашенное отношение: они не умеют сдерживать свои чувства, контролировать их внешнее проявление: большая эмоциональная неустойчивость, частая смена настроения, склонность к аффектам, кратковременным и бурным проявлениям радости, горя, гнева, страха.

При индивидуальном собеседовании такие дети могут раскрыть свои дарования, но для них существует высокий риск, возможно, они не справятся с учёбой в обычном классе, где большинство учеников существенно старше и выносливее.

Кроме того, такие дети в умственном отношении могут часто отставать даже от своих сверстников в эмоциональном или в социальном развитии, поэтому им бывает трудно влиться в большой коллектив более развитых в этом отношении детей, хотя они часто имеются старшие друзья.

Как правило, создатели в развивающих программах стремятся к гармоничному

сочетанию условий, учитывающих потребности детей с самыми разными видами и уровнями развития. Однако сложность и многогранность феномена, его индивидуальная неповторимость ставят под сомнение возможность разработки и реализации единой программы в равной степени, отвечающей потребностям всех детей.

Психологическая оценка развития при приёме детей в школу или класс для обучения по специальным программам, ориентированным на повышенные познавательные возможности учащихся, лишь на первый взгляд может представляться простой технической процедурой применения одной или нескольких диагностических методик. И самая первая трудность, которая возникает на этом пути, это отсутствие единой научной теории развития, способной объяснить и обобщить все накопленные к настоящему времени данные о проявлениях её развития в детском и школьном возрасте.

Таким образом, при определении готовности детей к школьному обучению, направленному на развитие творческой личности, методы диагностики отдельных свойств и процессы должны играть лишь вспомогательную роль при преобладании интересных для детей комплексных диагностических заданий, позволяющих детям продемонстрировать разные стороны в своём развитии в максимально благоприятной обстановке.

При этом выявление развития детей, их отбор должны служить лишь отправным, а не единственным пунктом психологического сопровождения процесса обучения.

Психологическая диагностика призвана обеспечивать согласованность этого процесса с индивидуальной траекторией развития каждого ребенка, служить определению результативности обучения и оказанию необходимой психолого-педагогической помощи в всех школьных ступенях.

Литература

1. Б.С.Волков. "Психология младшего школьника" М.: 2005.
2. Г.С.Абрамова. "Возрастная психология". Екатеринбург. 2010.
3. И.Б.Дубровина. "Особенности психического развития детей" // Возрастные особенности психического развития детей. М.: 1997.
4. Г.А.Каседкина. "Опыт социокультурной деятельности подростков в системе дополнительного образования" // Педагогика. 2007. №4. стр 52-56

**ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР
ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ
INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY**

Хуршид Абдирашидович Мирзахмедов

Таянч докторант


Наманган давлат университети

ORCID - 0000-0001-6026-2262

Мирзахмедова Дилрабо Махмудовна

Наманган шаҳар, 84-сонли давлат мактаби,
бошланғич синф ўқитувчиси

**ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРНИ
МИЛЛИЙЛИК ВА УМУМИНСОНИЙЛИК РУҲИДА
ТАРБИЯЛАШ**

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2019-12-10>

АННОТАЦИЯ

Бугунги ёшлар жамият ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий янгилашнинг муҳим субъектларидан бўлиб, жамиятда содир бўлаётган мураккаб жараёнларга ўз таъсирини ўтказишда ва тараққиётни ҳаракатга келтиришда муҳим рўл ўйнайди. Шундай экан мамлакат тараққиётида ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий ва ахлоқий тарбияси ўта муҳим ўрин эгаллайди. Ёшларимиз манавиятини юксалтириш, одоб, мулоқот ва кийиниш маданиятида меъёрни сақлай билиш кўникмасини ҳосил қилиш учун миллийлик билан замонавийлик уйғунлигини таъминлаш бугунги куннинг долзарб муаммосидир.

Калит сўзлар: Ёшлар, жамият, тараққиёт, одоб-ахлоқ, келажак

Хуршид Абдирашидович Мирзахмедов

Базовый докторант

Наманганский государственный университет

ORCID - 0000-0001-6026-2262

Мирзахмедова Дилрабо Махмудовна

Город Наманган, государственная школа № 84,
учитель начальных классов

**ВОСПИТАНИЕ УЧЕНИК-МОЛОДЕЖИ В ДУХЕ
НАЦИОНАЛЬНЫХ И ОБЩЕЧЕЛОВЕЧЕСКИХ ЦЕННОСТЕЙ
В ЭПОХУ ГЛОБАЛИЗМА**

АННОТАЦИЯ

Современная молодежь является одним из важных субъектов социально-экономического, культурного и духовного обновления общества и играет важную роль в осуществлении своего влияния на сложные процессы, происходящие в обществе и приводящие прогресс в действие. Поэтому духовно-нравственное воспитание подрастающего поколения, которое растет в процессе развития страны, занимает чрезвычайно важное место. Поднять духовность нашей молодежи, сформировать умение поддерживать норму в культуре манер, общения и одевания, обеспечить гармонию современности с Национальной-это насущная проблема сегодняшнего дня.

Ключевые слова: Молодежь, общество, развитие, этикет, будущее

Khurshid Abdurashidovich Mirzakhmedov

Basic doctoral student

Namangan state University

ORCID - 0000-0001-6026-2262

Dilrabo Makhmudovna Mirzakhmedova

Namangan city, state school No. 84,
primary school teacher

EDUCATION OF PUPILS - YOUTH IN THE SPIRIT OF NATIONAL AND HUMAN VALUES IN THE EPOCH OF GLOBALISM**ANNOTATION**

Today's youth is one of the important subjects of socio-economic, cultural and spiritual renewal of society and plays an important role in carrying out its influence on the complex processes taking place in society and bringing progress to action. Therefore, the spiritual and moral education of the younger generation, which is growing in the development of the country, occupies an extremely important place. To raise the spirituality of our youth, to create the ability to maintain the norm in the culture of manners, communication and dressing, ensuring the harmony of modernity with the National is a pressing problem of today.

Keywords: Youth, Society, Development, etiquette, the future

Барча тарихий даврларда ҳам ёшлар тарбияси, уларнинг дунёқараши ва ўзлигини англаши масаласи мамлакат тараққиёти, мустақиллиги, келажагини кафолатловчи муҳим омил саналган. Шу боисдан Ўзбекистон Президенти Ш. М. Мирзиёев ўзбек халқининг ёшларида тарбиявий руҳиятига эътибор қаратиб, "...юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга ёшлар дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун ..." давлатимиз бор куч ва имкониятларини сафарбар этишини таъкидлаган [1; 146].

Ёшлар тарбияси масаласи, айниқса бугунги даврда, интеграциялашув жараёни ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олаётган шароитларда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этмоқда. Тарих сабоқлари жамият тараққиётида ёш авлоднинг тарбияси савиясининг ўрнини нечоғлик муҳимлиги ҳар қандай даврда ҳам ўзининг

маълум даражада исботини кўрсатган. Энг аввало, анъанавий тараққиётдан замонавий ҳаётга ўтиш ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда тутган ўрнини беқийс даражада ўсишига олиб келди. Масаланинг муҳимлиги республикамизнинг демографиясида аҳолининг ўртача ёши 24 ёшга тенглиги, меҳнат захираларининг асосий қисмини жамланиши, уларнинг меҳнат фаоллиги ва касб тайёргарлиги ўта долзарб муаммога айланиши билан изоҳланади. Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий-диний хусусиятларига кўра, минтақада аҳолининг салмоғи ва ўсишининг юқорилиги туфайли ўзига хосликка эга бўлиб, кейинги йилларда миллатнинг жиддий ёшариши кузатилмоқда [2, Б, 254].

Ёшлар жамият ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий янгилианишининг муҳим субъектларидан бўлиб, жамиятда содир бўлаётган мураккаб жараёнларга ўз таъсирини ўтказишда ва тараққиётни ҳаракатга келтиришда муҳим рўл ўйнайди. Мустақиллик туфайли жамиятимизда, айниқса, унинг маданий-маънавий, марифий соҳаларида содир бўлаётган сифат ўзгаришлари ёшлар онги, дунёқарашига сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқда. Шундай экан мамлакат тараққиётида ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий ва ахлоқий тарбияси ўта муҳим ўрин эгаллайди. Ёшларимиз манавиятини юксалтириш, одоби, мулоқот ва кийиниш маданиятида меъёрни сақлай билиш кўникмасини ҳосил қилиш учун миллийлик билан замонавийлик уйғунлигини таъминлаш бугунги куннинг долзарб муаммосидир.

Бугунги дунё бошидан кечираётган глобаллашув жараёни инсоният учун катта имкониятлар эшигини очиб бермоқда. Лекин, дунёдаги айрим кучлар шундай ҳам мураккаб дунёни янада мураккаблаштиришга зўр бермоқдалар. Хусусан, доимо зўровонлик ва гегемонлик ҳисобидан бойлик орттириб келган кучлар "Оммавий маданият" ғоясини кенг тарғиб қилмоқдалар. Бу жараён бугун рок ва поп мусиқа жанри, видео ва турли жанрдаги фильмлар, сериаллар, ранг-баранг кўнгилочар шоу-томошалар, ўйинларни қамраб олмоқда. "Оммавий маданият" ниқобидаги аксилмаданият пайдо бўлиб, тобора кенг ёйилиб бормоқда. Табиийки, "Оммавий маданият" деган ниқоб остида ахлоқий, бузуқлик ва зўровонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлар, турмуш, маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамларни ташвишга солмай қўймайди" [3, Б, 8].

Ушбу маданиятнинг асосида аввало тижорат, моддий манфаатдорлик борлигини замонавий фан ҳам эътироф этмоқда. Ҳозирги пайтда унинг ғоят ўткир ва кенг қамровли таъсирини деярли барча соҳаларда кўриш, ҳис этиш мумкин. "Оммавий маданият"ни ниқоб қилиб бузуқлик ва зўровонлик сингари инсон шахсини руҳан емирадиган ғояларни тарғиб этадиган асарларнинг ҳақиқий маданиятга ҳеч қандай алоқаси йўқ... XX асрда техника ривожини ҳамда турмуш фаровонлигининг ўсиши билан истемолчилик психологиясининг янада кучайиши кино ва телевиденияда турли хил сериаллар, аудио ва видео дисклар, шов тадбирларнинг, уларни оммавий тарзда ишлаб чиқарадиган индустриянинг пайдо бўлишига олиб келди. Табиатан бундай "маҳсулот"ларда халқчилик, миллийлик ниҳоятда заиф. Оммавий маданиятга эмас, балки оммавий маданиятни ниқоб қилиб олган аксилмаданиятга, унинг дидсизлигига ва ахлоқсизлигига, инсонни ҳақоратловчи, тубанлаштирувчи маҳсулотларга қарши курашиш давр талабидир. Унутмаслик керакки, бази ижтимоий қатламларнинг ривожланмаган, дидига "оммавий маданият"да кўп учрайдиган мазмунан саёз, сийқаси жўн маҳсулотларнинг мос келиши ва

мавжудлигини инкор этиб бўлмайди.

Глобаллашувнинг ёшлар тарбиясига ўтказётган салбий таъсири инфор­мацион воситаларнинг юксак ривожланиши натижасида интернет, уяли телефон, телекоммуникациялар ва турли ахборот нашрларининг кириб келишидир. Бу воситалар орқали таклиф этилаётган қадриятлар кўп ҳолларда ёшларимизни, ўзимизнинг миллий қадриятларимиздан узоқлаштириб қўймоқда, бошқача қилиб айтганда ўзига хос "илдизи йўқ индивид"ларнинг шаклланишига олиб келмоқда. "Оммавий маданият" турли хил кўринишларининг ёшлар орасида тобора кенг тарқалиши булар асосан кийинишда, қизиқишларда, бўш вақтни ўтказишда, дидларнинг саёзлашувида, миллий қадриятларга муносабатда намоён бўлмоқда. Булар эса беҳаёлик ва зўравонлик, миллий қадриятларга ва ижтимоий манфаатларга беписандлик билан муносабатда бўлиш каби иллатларни келтириб чиқармоқда. Бугунги кунда ёшлар орасида тақлидчилик ҳолатларнинг кучаяётганлиги ва янада тоборо авж олётганлиги кузатилмоқда. Бунда, хорижда кенг тарқалган ахлоқий ва маънавий юриш-туриш андозаларининг кинофильмлар, мода ва турли хил рекламалар орқали ёшларимизнинг онгини маълум маънода заҳарлаётганларни сезиш қийин эмас. Натижада, ёшлар ўртасида китоб ўқишдан кўра компьютер ўйинларининг олдида вақтини ўтказиш, мазмунан саёз бўлган турли хил жанрдаги фильмларни томоша қилиш одат тусига кириб бормоқда. "Оммавий маданият" - сен ҳам биздай бўл, ўзингни ўйла, хоҳлаганингни қил, кийим кийма, хоҳласанг жинсдошинг билан никоҳдан ўт, хоҳласанг ҳайвон билан тақдирдош бўл (!?), эркин яша, атрофга қўл силта, сен ўзинг учун яша, қанақа ота-она? Қанақа қариндош-уруғ?.. хуллас, айтгулик дегулиги йўқ ақидалар сингдирилган усул ва воситалар орқали тарғиб қилинмоқда. Бу компьютер (интернет), бу қўл телефон, бу айрим телеканаллар, бу турли хил порнонашрлар, фильмлар, шоу дастурлар ва ҳоказо... юқоридаги айрим ғайриинсоний хатти-харакатлар бугун бизни жамиятда бўлмаслиги мумкин лекин эртага кириб келмаслигига ким кафолат беради. Яхшини ёмондан, оқни қорадан ажратиш давридаги балоғат ёшидагилар қисмати учун эса юқоридаги усуллар инсон ҳаётига тажовуз қиладиган ўқотар қуроллардан кўра ҳам хавфлироқдир. Натижада айрим ёшлар турмуш ташвишларига бепарво эртанги кунига умидсиз фақат бугун билан яшаётган масулятсиз ёшлар ҳам йўқ эмас.

Глобаллашувнинг салбий оқибатларини, "Оммавий маданият" ниқобидаги аксилмаданият ва турли ғаразли, ноҳолис ахборотлар хуружининг таъсирини мумкин қадар камайтириш учун аҳоли, айниқса, ёшларнинг маънавий-маърифий онгини, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик маданиятини юксалтириш талаб этилади. Навқирон авлодни миллий ва умуминсоний қадриятларга, маданият дурдоналарига болаликдан бошлаб ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларда оммавий маданиятга хос айрим кўринишларга танқидий муносабатни, аксилмаданиятга, турли бузғунчилик ғоялар ва ахборотларга нисбатан мафкуравий иммунитетни шакллантириш алоҳида аҳамият касб этади. Ёш истеъдодларни қадрлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб - қувватлаш борасида қилинаётган маънавий-маърифий тадбирлар амалий самарасини берамоқда. "... келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир". Шу нуқтаи назардан бола тарбиясига энг аввало оилада ота - она кўмагида таълим-тарбияни олиб бориш болани ёшлигидан миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялаш яхши хулқли одобли билимли қилиб тарбиялаш ҳар биримизнинг бурчимиздир [3, Б, 24].

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки мамлакатимизни тараққий топтириш, юксалтиришда ёшларнинг тарбияси ва салоҳияти ўта муҳим объектив қонуниятдир. Энди фақат ва фақат шу юртни, шу элни севувчи, мамлакат ривожига хизмат қилувчи, унинг моддий ва маънавий қадриятларига ҳурмат кўзи билан қаровчи ва маълум маънода уни тарғиб қилувчи фидойи ёшларимизни тарбия қилиш мамлакатнинг ҳар бир фуқаросининг айниқса, педагогика соҳасида фаолият кўрсатувчи кадрларимизнинг энг асосий мақсадига айланиши ўта муҳим масаладир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати


1. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2017. - 592 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997. -Б. 254
3. Каримов И. А. Юксак маънавият -енгилмас куч -Т.; Маънавият, 2008, -Б. 8

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY

Жахонгир Абдирашидович Мирзахмедов

Наманганский государственный университет г. Наманган, Узбекистан

СЕМЕЙНОЕ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВО КАК ФАКТОР СОЦИАЛЬНОГО ПРОГРЕССА

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2019-12-11>

АННОТАЦИЯ

В условиях рыночной экономики особой актуальности приобретает семейная предпринимательства.. Семейный бизнес по своей сущности является не только экономический, но и духовный фактор общественной жизни региона. Частный бизнес в семье по своей сущности источник нравственного становления гражданской позиции личности в семейной жизни.

Ключевые слова: Семья и семейная предпринимательства. Семейный бизнес. Малый бизнес как фактор воспитания личности.

Жахонгир Абдирашидович Мирзахмедов

Наманган давлат университети г. Наманган, Ўзбекистан

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ СИФАТИДА

АННОТАЦИЯ

Бозор иқтисодиёти шароитида оилавий тадбиркорлик ўта долзарб муаммога айланди. Оилавий бизнес ўз моҳиятига кўра нафақат иқтисодий, балки минтақа ижтимоий ҳаётида маънавий тарбия омили ҳам саналган. Шу боис хусусий оилавий тадбиркорлик шахсинг фуқаролик позициясини шакллантириши билан ахлоқий комиллигини ҳам белгилаб беради.

Калит сўзлар: Оила ва оилавий тадбиркорлик. Оилавий бизнес. Кичик ва хусусий бизнес шахс тарбиясининг омили.

Jahongir Abdirashidovich Mirzakhmedov

Namangan State University. Namangan city, Republic of Uzbekistan

FAMILY BUSINESS AS A FACTOR OF SOCIAL PROGRESS

ANNOTATION

In the conditions of the market economy, family life becomes especially relevant. Family business in its essence is not only economic, but also a spiritual factor in the social life of the region. Private business in the family is essentially a source of moral formation of the civil position of family life.

Keyword. Family and family life. Family business. Small business as a factor of personality education.

Для осмысления и анализа процессов, происходящих в стране очень важным является воспитание, особенно экономическое просвещение. Узбекская модель как собственный путь социального прогресса основана на предпринимательства, что стало социально-экономической основой Стратегии действий развития в Узбекистане. Актуальность социально-экономических исследований во многом устанавливается принципами перспективных тенденций социального прогресса. Главным приоритетом данного курса является отказ от монополизма хлопководства в сельском хозяйстве и верховенство либерализма в экономической жизни с разнообразиями форм собственности. Новый динамичный курс развития предполагает производства товаров, прежде всего на экспорт, в котором частное предпринимательство занимает решающее место. Вот почему Президент Республики Узбекистана Ш. М. Мирзиёев, отметил, что "...Малый бизнес и частное предпринимательство должны стать прочной опорой нашего общества, его благосостояния, сегодняшнего и будущего развития нашей страны".¹

Стратегия действий, предусматривающей социально-экономического развития Республики Узбекистан предполагает углубления демократических реформ во всех сферах общественной жизни. В условиях глобализации современной экономики возникает проблемы социально-экономического характера для занятия достойного места в мировом товарообороте. Правительством Узбекистана принята ряд нормативных актов по предотвращению экономической угрозы для стабильного производство материальных благ для народа[2; 181]. Одной из принятых решений Президентом Узбекистана Ш.М.Мирзиёевым был Постановление о реализации программы "Каждая семья - предприниматель", направленной на обеспечение коренного улучшения материальных условий, значительных позитивных изменений в качестве и уровне образа жизни населения[3]. Программой предусмотрены оказание всемерной поддержки предпринимательских инициатив населения, желающего заниматься предпринимательством, воспитание подрастающего поколения в духе рыночной экономики, подготовки к семейной жизни.

Не вдаваясь на детальный анализ реализации данной программы, мы наметили основные параметры семейного образования, что под словом "семейного предпринимательства" подразумевается малый и частный бизнес в семье, участие всех членов в материальной производстве, совместный труд ради общего благо, профессионализации населения национальной производстве. В действительности семья в регионе Центральной Азии испокон веков считалась субъектом предпринимательство, занимающейся своеобразной домашней хозяйством, в котором отец глава всей производственной жизни.

На протяжении многих веков семья формировалась как субъект, занимающейся малым бизнесом на родственных связях., что положительно оценивает инициатив детей, предприимчивость, технические умения, формированием готовности к

самостоятельной семейной жизни Родители, одобряли трудолюбие детей, т.е. оказали содействие социализации и профессионализации детей. Таким образом, в узбекской семье трудовое воспитание рассматривались как необходимое условие ценностной ориентации личности. Труд не только материальное обеспечение семьи, но и важный фактор нравственного становления молодежи.

Семейное предпринимательство, как нам представляется, служить озоновой изменения, которое преопределили новое место в системе социальной структуре общества и стали источником социально-экономического прогресса. Это обусловлено, что семья приобретает одной из важных механизмов общественного производства рыночной экономики[4; 34]. В этой связи следует отметить, что семье придается не только демографическое значение, но и социально-экономическое, которое служит облагораживания общественных отношений как семейного образования для подрастающего поколения. Как нам предполагается, утверждается семья как источник дохода путем всех видов трудовой деятельности, прежде всего, производство для потребностей рынка. Кроме того, семья легко приспособляется на потребности рынка. Семья в условиях рыночных отношений, занимаясь предпринимательством, создает новую систему социализации и профессионализации подрастающего поколения. Трудовое воспитание приобретает критерии становление и развития гражданственности молодого поколения. Труд становится нормой жизнедеятельности молодежи. Таким образом, труд и предпринимательство для молодежи важнейший источник материальных и духовных ценностей выступает главным эталоном социального престижа и рейтинга личности, так как семейное предпринимательство позволяет реализации молодежи, развивать творческий потенциал.

Частный бизнес в семье предполагает совместный труд родителей и детей от начала до реализации продукции. Дети, принимая участия в производстве приобретает многочисленных трудовых профессиональных умений. Здесь следует отметить обучению к ремесло труд от родителей определенное педагогические умение и навыки, что системной контроль и оценки его действия. Кроме того необходимо анализы поведения в производстве, направлять на правильное русло конкретных ситуациях, организация досуга детей, душевные беседы и других культурных мероприятий в семье [1; 10].

В семейном бизнесе участие юношей и девушек требует особого подхода, чтобы трудовой деятельности получил удовольствия, учитывающей их физических и биологических возможностей. Однако данный вид деятельности обладает возможностями воспитания у молодежи мужской чести, уважение к девушке, а у девушек самые нежные женские чувства собственного достоинства. На самом деле создается атмосфера воспитания чувства ответственности, воспитанием особой культуры взаимоотношений между мужчинами и женщинами в комплексе социально-духовного развития семейного дела.

Семейное предпринимательство для подрастающего поколения является важнейшей школой хозяйственно - экономического образования, так как дети приобретают знаний о семейном расходе и дохода, экономии бюджета, эффективность быта, умение стабильного управления домашним хозяйством. Малый бизнес в семье воспитывает в первую очередь этику молодежи, уважение родителям, сближает старшими и младшими братьями, ответственности и верности, честности, уступчивости и доброты в кругу семье. Таким образом, семейное предпринимательство испокон веков в узбекском обществе представлял собой

своеобразной кооперации детей и родителей, в результате которых происходит осознание молодежью особенностей взаимоотношений, развитие необходимых качество и привычек, подготавливающих к браку и семейной жизни. Видимо это цель и средство воспитания для родителей.


Список литературы

1. Гребенников В. Основы семейной жизни - М.: Просвещение, 1991, 10-17 с.
2. Стратегия действий по развитию Республики Узбекистана в 2017-2021 годы. Научно-методическое пособие. -Т.; ТГЭИ. 2017. - С. 181.
3. Указа Президента Республики Узбекистана "О мерах совершенствование укреплении института семьи и поддержки женщин" от 2 февраля 2018 года. // Народное слово, 2018, -2 февраля.
4. Убайдуллаева Р. А. Женщины Узбекистана в ускорении социально-экономического развития республики. -Т.; Знание, 1988, -34 с.

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY

Махкамов Қодиржон Одилжонович,
Наманган давлат университети,
социология фанлари бўйича фалсафа доктори, катта ўқитувчиси

ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА ТАРИХИЙ ОНГНИНГ АҲАМИЯТИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2019-12-12>

АННОТАЦИЯ

Мақолада тарихий онг, тарихий хотира тушунчаларинг жамият маънавий ҳаётининг ривожлантиришдаги ўрни илмий таҳлил қилинган. Шунингдек, муайян геосиёсий кучлар тмонидан тарихдан яшаб келаётган олижаноб анъаналарни таҳқирлашга, тарихни сохталаштириб, ёшлар ва катталар орасидаги ворисийликка раҳна солишга бўлган уринишларига қарши тураладиган маънавий иммунитетни шакллантиришда тарихий онгни аҳамияти ёритиб берилган.

Калит сўзлар: тарих, ватан, тарихий маданият, дунёқараш, хотира, глобаллашув, қадрият, ватанпарварлик, миллийлик, анъана.

Махкамов Кадиржан Одилжанович,
доктор философских наук по социологии, старший преподаватель
Наманганского государственного университета

РОЛЬ ИСТОРИЧЕСКОГО СОЗНАНИЯ В ДУХОВНОМ РАЗВИТИИ ОБЩЕСТВА

АННОТАЦИЯ

В статье анализируется роль исторического сознания и исторической памяти в развитии духовной жизни общества. Это также подчеркивает важность исторического сознания в формировании духовного иммунитета против попыток определенных геополитических сил дискредитировать благородные традиции истории, фальсифицировать историю и бросить вызов преемственности молодежи и взрослых.

Ключевые слова: история, родина, историческая культура, историческое сознание, мировоззрение, память, глобализация, ценности, патриотизм, традиция.

Maxkamov Qadirjon Odiljonovich,
PhD, Senior lecturer at Namangan State University

THE ROLE OF HISTORICAL CONSCIOUSNESS IN THE SPIRITUAL DEVELOPMENT OF SOCIETY

ANNOTATION

the article analyzes the role of historical consciousness and historical memory in the development of the spiritual life of society. It also emphasizes the importance of historical consciousness in shaping spiritual immunity against attempts by certain geopolitical forces to discredit the noble traditions of history, falsify history and challenge the continuity of youth and adults.

Keywords: history, homeland, historical culture, historical consciousness, worldview, memory, globalization, values, patriotism, tradition.

Инсон онги ва қалби учун кураш беқиёс кучайган сўнгги даврларда, ғоявий таъйиқ ва мафкуравий ҳуружларнинг ҳам янгидан янги қуроллари, воситалари ишга солинаётган бир пайтда буларга қарши иммунитетни кучайтириш, ишончли "қалқон" ҳосил қилиш учун ҳам тарихий онг ва тарихий хотира билан боғлиқ янги таҳдидларни чуқур ўрганиш, моҳиятини англаб етиш керак. Маълумки, ҳозирги глобаллашув даври миллий ўзликни англашга, миллий тарихий онгга жиддий таъсир кўрсатмоқда. Объектив жараён сифатида содир бўлаётган глобаллашувнинг маънавиятга ижобий ва салбий таъсирини тадқиқ этиш, миллий ифтихор ва ғурурни юксалтиришнинг илмий асосланган механизмларини, технологияларини ишлаб чиқиш зарурати ҳам мавзунинг долзарблигини кучайтиради.

Тарихий онг, тарихий хотира ҳозирги даврга келиб умуминсоний маънавий ҳаётдаги глобал муаммога айланди десак, муболага бўлмайди. Муайян геосиёсий кучлар бутун олам бўйлаб ахлоқсизлик рецидивларини ёйишга, қадимдан яшаб келаётган олижаноб анъаналарни таҳқирлашга, тарихни сохталаштириб, ёшлар ва катталар орасидаги ворисийликка раҳна солишга уринмоқда. Шу аснода, тарихий онг шаклланадиган социал-демографик замин - ёшлар, шу жумладан уларнинг энг фаол қисми - бутун дунёда ҳам, бизнинг мамлакатимизда эса, мутлоқ кўпчиликни ташкил қиладиган ўқувчи ёшларда тарихий онг ва тарихий хотирани шакллантириш кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан ҳисобланади.

Бутун дунёда тарихий онг феноменини илмий-назарий ҳамда амалий тадқиқотлар асосида ўрганиш ҳамда ёшлар тарихий онгини ривожлантириб боришга бўлган қизиқиш борган сайин кучаймоқда. Миллий мансублик туйғусини ривожлантиришда тарихий онгнинг устувор аҳамиятини аниқлаш, ёшларнинг тарихий тафаккурини янги ахборот технологиялари асосида шакллантириш усулларини ишлаб чиқиш, тарихий онг тараққиётини ифодаладиган ижтимоий-маданий жиҳатлар (тарихий нарративлик)ни тадқиқ этиш, ёшлар тарихий онгини ривожлантиришда меъморий обидаларнинг ўрнини ўрганиш сингари бир қатор инновацион ёндашувлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича жамоатчилик кенгаши фаолиятининг ташкил этилганлиги, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга эътибор кучайиб бораётганлиги, буюк мутафаккирлар илмий ижодини

тадқиқ этувчи халқаро илмий-тадқиқот марказларини тузиш тўғрисидаги қарорлар, шунингдек, таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар ҳар томонлама етук, ватанпарвар авлодни тарбиялаш мақсадига қаратилгандир. "Хусусан, миллий ўзлигимизни англаш, Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш" муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида" 2017 йил 30 июндаги ПҚ-3105 сон қарори Ватанимизнинг миллий давлатчилиги вужудга келиши, тараққий этишининг энг янги тарихини тадқиқ этиш ва ўқитиш, уни аҳоли ўртасида тарғиб қилиш мақсадида илмий, илмий-оммабоп, ўқув-методик, маърифий адабиётларни тайёрлаш ва чоп этиш, ёшларда, авваламбор, умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицей ўқувчилари, қолаверса, олий ўқув муассасалари талабаларида мамлакат тарихи ҳақидаги чуқур билимларни шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида қабул қилинди.

Мазкур қарор ва фармонлар ижросидан мақсад халқнинг барча социал қатламларида, айниқса, ўқувчи ёшларда миллий гурур ва ифтихор туйғуларини шакллантириш, ватанга муҳаббат ва садоқат ҳиссини ривожлантиришдан иборатдир. Шу билан бирга, уларда тарихий онг, тарихий хотира, ватан тарихига ҳурмат, тарихий баҳо, тарихий маданият, тарихий ватанпарварлик, тарихий фахр тушунчаларини ривожлантиришга эришиш орқали мамлакатимизнинг эртанги келажаги ва давомчилари бўлган баркамол авлодни тарбиялаш мақсад қилинган. Бунинг учун, аввало, ёшларга тарихий билимлар беришни янада юқори савияга кўтариш, Ўзбекистоннинг миллий давлатчилиги энг янги тарихини ўрганиш ва тарғиб қилиш, умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим тизимида ўқувчи ёшлар тарихий онгини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Боиси, дунё ҳамжамияти билан иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий алоқаларни кенг йўлга қўяётган Ўзбекистон ҳозирги тарихий даврда жаҳон афкор оммасига ўзининг бой тарихи, маънавий қадриятлари, маданий меросини намоён қилиши зарур. Чунки, "ҳар бир халқ тарихида шундай даврлар бўладики, бу даврлар халқнинг истеъдоди, маънавий даражаси, ақлий қобилиятини бутун жаҳон миқёсига олиб чиқади ҳамда жаҳон маданиятини ривожига ажралмас ҳисса бўлиб киради. Бундай даврларнинг қиммати ниҳоятда муҳим тарихий воқеаларнинг рўй бериши ҳамда буюк арбоблар, талант эгалари, мутафаккирларнинг фаолияти ва қолдирган мероси билан ўлчанади".

Инсоният вужудга келтирган қадриятлар, маънавий ҳамда маданий мероснинг қўшиливи натижасида юзага келган тарихий хотира жамиятда содир бўлаётган ижтимоий ўзаришларнинг моҳиятини тушуниб етишга ёрдам беради. Тарихни англаш орқали инсон ўзини англайди, ҳаёт мазмунини чуқурроқ тушунади. Тарихий тафаккур инсоннинг шахс сифатидаги фаоллигини вужудга келтиришига ва баркамол инсон бўлиб шаклланишига ёрдам беради.

Адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018. <https://president.uz/uz/lists/view/2228>
2. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурида "Ўзбекистоннинг

Энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-3105-сон қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. - Тошкент. 2017. № 26. -Б.40.

3. Хайруллаев М.М. Ўрта Осиёда илк уйғониш даври маданияти. - Тошкент: Фан, 1994. -Б.78.

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР

ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ

INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY

№12 (2019)

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000